

ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 7 ноябр
Сотувда эркин нархда
№ 222 (2519)

Мамлакатимизда

Керл хоним қойил қолди

Жиззах вилояти ишбилармон аёллари уюмлари ҳамда «Хамдар» ишонч маркази томонидан ўтказилган тадбир хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Бензин қаерда сотилади?

Автомобилларга ёнлиги қаерда қўйилади: жойлардаги АЭКШлардами ёки олибсатарларнинг қўлбола бозорчаларидами? Қўпна-қўндўз қўни, очиқ-ошкора бензинфурӯшчилик қилаётган ва уни ўзи истаган нархда пуллаётганларнинг ёнлиги қорхонаси ёки амбори йўқ-ку ахир?

Ғолиб Гватемалага боради

Наманган шаҳри яқинда Марказий Осиёнинг кучли минифутболчиларини қабул қилди. Вилот ҳокими соғирни учун ўтказилган халқаро турнирда Қозғистон, Қирғизистон ва мамлакатимизнинг терма жамоалари иштирок этишди.



Курраи заминда

Европалик экспертлар хулосаси

Лондондаги ҳукуматга қарашли бўлмаган Европа болалар жағғармаси (ЕБЖ) экспертларининг фикрича, халқаро молиявий ташкилотлар ва Фарнинг ривожланган давлатлари Россия ва МДҲ мамлакатларида демография инқироз хавфини бартараф қилиш учун бу кенг миқёсда минтақага кўмак бериш дастурларига ёндашувни сифат жиҳатидан ўзгартириши зарур.

Безгак азоби

Ўзбекистонда сентябр ойи ахирда пайдо бўлган юкжуми Эбола безгази билан яна тўқсон киши касалланди. Шундай қилиб, ундан азият чекаётганлари сонини икки юз сақсонга етди.

2010 йилга бориб

Хитойда аҳоли сонини 1,4 миллиарддан ошиб кетиши мумкин. Ҳукумат бунинг олдин оlish учун турли чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Айни пайтда бутун мамлакат бўйлаб барча муассасаларда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Тўқнашув

Ҳиндистоннинг Азамгарх шаҳрида сунийлар билан ишалар ўртасидаги тўқнашув натижасида ўн бир киши ҳалок бўлди. Қирқ киши турли даражада тан жароҳатли олд.

Махбуслар сўроқ беришди

жойда ишламаган. Қозим Зокиров раҳнамолигида Андижон бир қанча босқинчилик ҳаракатларида бевосита иштирок этган. У ўз ҳамтаовули билан 1996 йил 31 ноябр тунида андижонлик Мадазимовлар ҳолинига бостириб қириб, ўзи эгасини ўлдирган. Рафқас ва болаларини қаттиқ қалтқиллашди, қимматбаҳо буюмларини тортди олинди. Қотиллик ва талончилик билан қўлга киритилган бойликларнинг бешдан бир қисминини ўзларича «байту мол» деб атаганиш «жағгарма» орқали ҳоимларга етказиб турган.

Пойтахтда

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Олий Мажлис Кенгашининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат ҳаёотининг таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 2 июндаги Фармони билан тасдиқланган дастурий чора-тадбирларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

Жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштириш дастурларининг бажарилиши муҳокама қилинди

Мажлисида республика Ҳукуматининг, Олий Мажлис Кенгашининг ва Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислох қилиш соҳасида қўнуччилик базисини тақомиллаштириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича комиссиянинг аъзолари қатнашди.

Кун тартибидagi масала бўйича ишчи гуруҳлар раҳбарлари — Олий Мажлис қўмитаси раиси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Ғолишев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирини А.Комилов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг масъул ходими Б.Алихоннинг ҳисоботлари эшитилди.

Сўзга чиққанлар қўнун ҳужжатлари лойиҳалари ва уларни амалга оширишга доир тадбирлар масъул ижроичилар томонидан ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқаришнинг қайд этилиши.

Жумладан, сиёсий соҳада давлат ва жамият қўриқлиги соҳасида эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш дастурига мувофиқ иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида «Қўнун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди, бир

(Давоми 2-бетда).



«Қизил тонг» — ҳамюртларимиз хизматида

Қиш яқинлашган сайин кимдир мавсумбон пальто, кимдир плашч ёки куртка харид қилиш тараддудига тушади. Бундай кийим-кечаклар Тошкентдаги «Қизил тонг» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида тикилишидан хабардорсиз. Мазкур қорхона жамоаси эса айни кунларда ҳамюртларимиз дидига мос, замонавий фасондаги пальто ва плашчлар ишлаб чиқармоқдалар.

СУРАТЛАРДА: 3-деҳда иш қизгин; ёш тикувчи Лариса Романова.



Нўрмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Оққўрғонликлар зафарини

Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани пахтакорлари давлатга пахта сотиш шартнома режасини ортиғи билан урдалашди. Мажид майдонининг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил олинди. Қабул пунктларига 39 минг 500 тоннадан зиёд саноят хомашёси етказиб берилди.

Бу улкан ҳирмонга «Ўзбекистон», «Гулiston», «Озод», «Маланият», «Қаҳрамон» жамоа ҳўжаликчилари, «А.Сулдаймонов», «Ўзал» ва «Аюлат» деҳқон-фермер ҳўжаликчилари муносиб улуш қўшилди.

Айни пайтда туман пахтакорлари далалардаги сўнги ҳосилни йиғиштириб олишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳосилдан бўшаган майдонларга эса пешма-пеш ғалла уруғи сепилмоқда.

Б. ОСТАНАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бозор сабоқлари

Обунада рақобат наф келтиряптими?

ШУҲРАТ ЖАБОРОВ

Бозор муносабатларининг асосий талаблари сирасига ҳўжалик субъекти фаолият юритиш натижасида соф даромадга эга бўлиши, олинган фойдани ишларни янада юритиштиришга, ишловчиларни ижтимоий ҳўмолашга йўналишириши киради. Бу дунда тан олинган ҳақиқат: қаерда қорхона зарар қўрс, банкотта учраб, яшаб қолиш имкониётларидан маҳрум бўлади.

Вилоятлар	«Матбуот тарқатуви» АК тузилмавий бўлиналари	«Ўзбекистон почтаси» концернин таркибидagi акционерлик жамиятлари
Тошкент шаҳри	12120	18024
Қорақалпоғистон	16590	17104
Андижон	13092	16415
Бухоро	13680	15936
Жиззах	13690	17104
Қашқадарё	13212	17220
Навоий	13094	16175-80
Наманган	13690	15084
Самарқанд	13690	18404
Сурхондарё	16590	19704
Сирдарё	13095	16704
Тошкент вилояти	13380	15168
Фарғона	13104	15993-20
Хоразм	13800	18404

Кўриниб турибдики, почта хизмати «Матбуот тарқатуви»га нисбатан кўп ҳақ сўрапти. Нега? Жавоб таъдир: почта алоқаси обуна қилишга нафақат вилоят марказларини, балки олис қишлоқларини ҳам қамраб олади. Бир қарашда, бу асосли далил. Керак бўлса, почтачилар сизга харажатлар бандини қаламма-қадам ҳисоблаб беришади. Бор гап — ҳеч нараса деёлмайси!

Кеча суд залида

Ф.САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

6 ноябр кунини ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбонланган 12 шахс устидан суд жараёни яна давом этди. Унда асосан ўтган йилнинг 16 февралдаги пойтахтнингизда бўлган портлашлардан жабрланганлар кўрсатма беришди. Ва ўзини «Ўзбекистон ислоний ҳаракати» деб атаганиш гуруҳ пешволари бўйруғи билан бундан олдин турли жиноятларни содир этиб, судланган махбуслар гувоҳ сифатида сўроқ қилинди.

Фармонни ўқиб

Техника — замонавий деҳқончиликнинг асосий таянчи

МУҲАММАДАХРОБ ИСМАНОВ, Тошкент давлат техника университетини профессори.

Хўш, ушбу Фармон ва қарор деҳқонга нима беради? Аввало, деҳқон энди 15 фоиз нарх эвазига қишлоқ ҳўжалик техникаларини лизинг асосида сотиб олиш имкониётига эга бўлади. Зеро, замонавий тракторлар ва ўрим-йиғим машиналарини харид қилиш — ҳар қандай деҳқоннинг орзуси. Лизинг муодаласининг 7 йил этиб белгиланган эса лизинг олгунча ахшигина имтиёз беради. Бу ҳол деҳқончиликнинг техника ва техник хизмат билан тула таъминланганига кенг имкон очди. Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалик техникасини заводдан ёки чет элдан олиб келиб, ҳар хил устамна нархда сотувчи воситачи ташкилотларнинг бўлишига ярама беради. Чунки қарорда «Ўзқишлоқҳўжаликмашилининг» компаниясидан энг кам миқдордаги даромад ставкаси билан ишлаш талаб қилиниши аниқ қўрсатиб қўйилган.

лашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жағғармаси ҳисобидан ўз вақтида соғлиқ заводларининг узлуксиз ва тула қувват билан ишлашини таъминлайди. Эндликда мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари ҳам туздан ўзгарди. Қишлоқ ҳўжалик кооперативлари, машина-трактор парклари ва фермерлар заур техникани лизингга сотиб олиш, шартнома асосида ижарада ишлаш, сервис хизмати кўрсатиш ёки сервис хизматида фойдаланиш, сотиб олинган қимматли техникани эса «Ўзғаросурғурта» компанияси орқали турли тасодифий офатлардан сурғурташ имкониётга эга бўлади. Бундай тақомиллаштирилган тизим ва қулай имкониёт фақат ривожланган мамлакатларгагина хосдир. Эндиги масала масъул ходимлардан Фармон ва қарорни амалга оширишда хатотликлардан холи бўлиш, ҳалол ва тўғри иш-

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

Шу йил 3-4 ноябр кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида мак бар Қишлоқ хўжалиғини кредитлаш халқаро Конференцияси (КИКА)нинг Беш Ассамблеяси бўлиб ўтди. Мазкур ташкилот иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин Фарбий Европанинг бир гуруҳ қишлоқ хўжалиғи ва кооператив банклари ташаббуси билан ташкил этилган. Конференция унинг ҳозирги кўринишида 1989 йилда тасвир этилган. Ҳозирги пайтда, қишлоқ хўжалиғи соҳасида кредитлар берувчи ёки уни олишга қўмақлашувчи жаҳоннинг барча қитъаларидан 36 давлатнинг қишлоқ хўжалиғи йўналишидаги 165 та банклари ҳамда молия ташкилотлари, шунингдек, фаолият мақсади қишлоқ хўжалиғи кредитини ривожлантириш ёки уни ўрганишдан иборат бўлган минтақавий, миллий ёки халқаро ташкилотлар КИКА аъзолари саналади. Улар сирасига Франциянинг «Креди Агрícola», Нидерландиянинг «Рабобанк», Германиянинг «Дойче-гезесеншафтсбанк», Австриянинг «Райффайзенцентральбанк» каби банклари ва бошқа йирик ҳамда таъкил банклари қиради. Ташкилотнинг штаб квартираси Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган.

Жаҳон қишлоқ хўжалиғи мададкорларининг олий анжумани

«Пахта-банк» ташаббуси билан бўлиб ўтди

Ҳосил ҚАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КИКАнинг фаолияти қишлоқ хўжалиғи ва уни молиялаштириш билан боғлиқ кенг кўламли соҳаларни қамраб олади. Унинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиғи кредит институтлари ва ташкилотларини халқаро миқёсда тақдимот этишдан иборат.

«Пахта-банк» республикамиз қишлоқ хўжалиғига хизмат кўрсатувчиси Йирик банклардан бири сифатида КИКА билан 1996 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1999 йилнинг ноябр ойида банк Конференциянинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. «Пахта-банк» раҳбарияти КИКА ижро органлари йиғилишида бир неча марта иштирок этди. Банк бошқаруви раиси КИКА Марказий кўмитаси аъзоси ҳисобланади. Ташкилотнинг «Пахта-банк» бўлган КИКАнинг мазкур Ассамблеяси унинг ўттизичи йилгилиги ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Ассамблеяга ўтказиш жойи этиб белгилашгани «Пахта-банк»нинг халқаро майдонда маънавий тобора юксалиб бораётганини ҳамда халқаро фаолият доиралари ва хорижий сармоядорларнинг унга ҳамкор сифатида қизиқишлари ортиб бораётганидан далолат беради.

КИКА мустақил равишда илмий изланишлар олиб боради, вақиллик ва мувофиқлаштириш вазифаларини бажариши, қишлоқ хўжалиғининг муайян масалалари ҳамда уни молиялаштириш юзасидан ахборот материалларини нашр этади. Халқаро ташкилот қишлоқ хўжалиғи ва уни молиялаштириш соҳасида кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш мақсадида кредит масалалари билан шуғулланувчи кўпгина мамлакатларнинг ҳуқуқматлари ва халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Улар қаторига БМТнинг озик-овқат ва қишлоқ хўжалиғи ташкилоти (ФАО), Қишлоқ хўжалиғини ривожлантириш халқаро Жамғармаси (ИФАД) ва бошқалар қиради. КИКА Ўз аъзолари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш

сини халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, банк фойдалиллигини кўпайтириш ва рентабеллигини, айниқса, қатъий валютада олинган даромадларини ошириш ҳамда банк балансининг ликвидиллигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

«Пахта-банк» фаолиятига хорижий сармояларнинг ишончи ўсиб бораётганининг натижаси ўлароқ Осиё тараққиёт банки томонидан уни институционал ривожлантиришга грант ажратилди. Мазкур грантнинг мақсади кредитни баҳолаш, таваккалчиликларни бошқариш, ички назорат ва молиявий аҳволини оидинлаштириш сисабатига энг яхши халқаро амалиётни жорий этилишига қўмақлашдан иборат.

Айни пайтда банк томонидан Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаштириш учун 15 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит йўналишини очиб тўғрисида таклиф кўриб чиқилмоқда.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ҳам молиявий муассасага 15 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит йўналишини очиб ўйли орқали ишонч билдирилди. Бу маблағлар ҳам республикада кичик ва ўрта таъбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилади.

Юқорида қайд этилган маблағларнинг ажратилиши юзасидан кредит шартномаларини имзолаш жорий йилнинг охирига муҳалламоқда. «Пахта-банк» ушбу маблағлардан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш йўли орқали мамлакатимиз иқтисодийтини янада мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланишни кўзда тутмоқда. Бу экспорт қилиш мумкин бўлган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардор сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради.

Жаҳон ривожланиш ва тикланиш банки кредит йўналишини очиб ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи корхоналарини молиялаштиришга ўз розилиғи ҳамда ишончини билдириди, унинг вақиллари томонидан «Пахта-банк» агент банк (воситачи банк) сифатида танланади.


«Пахта-банк» миқозлар эҳтиёжлари, жаҳон тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистон иқтисодий ва хўжалиқ тизими хусусиятини ҳисобга олган ҳолда операциялар мажмуасини кенгайтиришга муҳалламоқда. Юридик шахс бўлган миқозларга «Банк-Мижоз» электрон тўлов тизими бўйича хизмат таклиф қилинмоқда, бу ташкилотлар ўртасида ҳисоб-китоблар жарафини жаддалаштиришга имкон беради ва миқозларга қўшимча қўлайликлар яратлади. Ахборотни узатишда кўп босқичли назорат унинг ишончилигини таъминлайди ва хатоликларнинг олдини олади.

«Пахта-банк» ўз миқозлари муаммоларини ҳал этишга алоҳида ёндашиб, улар учун жаҳон талаблари даражасидаги хизмат кўрсатиш шароитларини яратиб беришга интилади. Барча операциялар тўлиқ автоматлаштирилган ва аниқ вақтда амалга оширилади.

Молия муассасаси келгусида ҳам халқаро ташкилотлар билан ўз муносабатларини ривожлантириш ва жаҳон банк ҳамжамиятига янада илдам қадамлар билан интеграциялашсини режалаштирмоқда.

Ўзбекистонда бундай йирик халқаро банк форумининг ўтказилиши халқаро молия ва банк ҳамжамияти томонидан республикада амалга оширилаётган ислохотларга билдирилган катта қизиқишнинг амалдоҳ натижасидир. Мазкур халқаро форум Жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти билан янада яқиндан танишуви, хорижий сармояларнинг иқтисодига қўшимча равишда жалб этилиши ва республика қишлоқ хўжалиғини янада ривожлантиришга хизмат қилиши аниқ.

Халқаро Ассамблея ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Иккинчи кун «Пахта-банк» ҳамда Испаниянинг Банко Кооперативо Эспаньол банк ўртасида ўзаро ҳамкорлик доирасидаги меморандум қабул қилинди. Ушбу ҳужжат қишлоқ хўжалиғини ривожлантириш, республикага хорижий сармояларни жалб этиш ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш, янги банк технологияларни жорий этиш ва бошқа науауларни татбиқ этишда ўзаро ҳамкорликдаги тадбирларни изчил амалга оширишни кўзда тутди. Бундан ташқари, «Пахта-банк» билан анжуман иштирокчилари бўлган Европанинг бошқа қишлоқ хўжалиғига хизмат қилувчи нуфузли банклари ўртасида ўзаро келишувлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.



«Алло! Урганчмебелсервис»ми?

Соғлом авлод учун

«Чортоқ» болалар сиаҳатгоҳи, мана 30 йилдирки, мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда турли касалликлар билан оғриган 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўз дардларига шифо топомқдалар.

Сиаҳатгоҳ-болалар хизматида


Дилбар ТУРГУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кейинги 10 йил ичида «Чортоқ» таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Болаларнинг яхши хордик чиқаришлари, кунларининг мазмунли ўтиши учун спорт майдончалари, боғчалар ташкил этилди. Бинолар янгитдан таъмирланди.

Бу баҳаво маскан денгиз сатҳидан 630 метр баландликда, Чортоғ ёнбағирларидаги сўлим воҳода жойлашган. Сиаҳатгоҳда маъданли сувдан ташқари, бемор болаларнинг комплекс даволаниши учун энг сўнгги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган муолажа хоналари мавжуд.

«Соғлом авлод йили» муносабати билан болаларнинг соғлом, баркамол бўлиб улғайишлари учун турли хил спорт тўғрақлари ташкил этилди. Рассомлик, наққошлик, дурадгорлик, чеварлик ва мусиқа тўғрақлари мунтазам ишлаб турибди. Болалар бу ерда яйраб дам оладилар, даволанадилар. Шу билан бирга ўқишларини ҳам давом эттирадилар.

— Яна бир қўлайлик, — дейди сиаҳатгоҳ бош шифокори В.Тожибоев. — Сиаҳатгоҳида болаликдан тугма ногирон, I-II гуруҳ ногиронлари, ДПП касалликлари билан оғриган ҳамда ота-онаси бўлалар бепул даволанадилар.



Бугун кўҳна Урганчининг қай бир гўшасига борманг, қай хонадониди бўлманг шарқона қурилган эшик, дераза ромларига кўзингиз тушади. Ҳеч қайси хорижикидан қолишмайдиган мебелларни кўриб, кўзингиз қунаб кетади.

— Булар «Урганчмебелсервис» маҳсулоти, — дейди мезбонлар фахр билан. — Узимизнинг ёғоч

тахтадан тайёрланган. Дарвоқе, мазкур корхонада ҳозирда саккиз турдан зиёд турфа мебеллар ишлаб чиқарилаётир. Оврупа ва миллий услуб уйғунлашган ушбу мебеллар жозибадорлиги, сифатлиги боис, тезда ўз харидорларини топи. Айни пайтда корхонага нафақат Хоразмдан, балки қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар бисёр.

СУРАТЛАРДА:
цеҳ бошлиғи Жуманиёв Рўзиметов усталор Михаил Курилин, Қаҳрамон Бектемиров, Искандер Ҳрозметовлар билан; дурадгор уста Раҳматилло Рўзиметов.

Нўзмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

AMF
Mineralplatten GmbH
— Германия —

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ

Европадаги осма шифтлар ишлаб чиқарувчи етакчи корхона Тошкентдаги оморидан барча турдаги ўз маҳсулотларини таклиф этади. Урнатилган металл конструкциялар билан биргаликда 60x60 см.даги шифтларнинг турли кўринишлари.

ДИЛЕРЛАР:

СПЕЦПМП О Глинка к., 19. Ф. 152-66-10, 55-47-40.

МЧЖ "VIKERS" СУ Халқлар Дўстлиги к., 100. Тел.: 79-75-09, 79-05-55.

БИЗНИНГ МАҲСУЛОТИМИЗ — БУ ЮКСАК СИФАТ КАФОЛАТИ.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМОРДАН КЎЙИДАГЛАРИНИ СОТАДИ:

- КАБЕЛЬ
- УТКАРГИЧ
- МАҲСУЛОТЛАРИ
- ЕРИТГИЧЛАР
- ЛАНАЛАР

Тел/Факс: (+998 71) 136 01 54; 133 12 84



мақсадида халқаро конгресс ва конференциялар ўтказди. Бундай молиявий идора билан ҳамкорлик республикамиз қишлоқ хўжалиғини ривожлантириш ва уни молиялаштириш жарафини ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки конференция қишлоқ хўжалиғини ривожлантиришнинг техник ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатлар ҳуқуқматлари ҳамда халқаро молия ташкилотларига муайян таъсир кўрсатиш салоҳиятига эгадир.

КИКА қишлоқ хўжалиғи корхоналарини молиялаштириш юзасидан бой таърибага эга ва мазкур тармоқни кредитлаш бўйича бир қанча таъбирлар ишлаб чиққан. Бундай таъбирларнинг мамлакатимиз халқ хўжалиғининг асосий соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалиғини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. КИКА сессияларида иштирок этиш шу соҳадаги банклар раҳбарияти билан шаклий алоқалар ўрнатиш учун кенг имкониятлар беради. Ўзаро манфаатли масалаларнинг муҳажамаси, ҳамкорлик юзасидан иштирокчиларга яхши шарт-шароитлар яратлади.

Бош Ассамблея иштирокчилари салоҳиятида сармоядорлар ҳисобланади. Ўзбекистон банкларининг асосий вазифаси республика аграр сектори, sanoati, хусусий секторини мустаҳкамлаш учун уларни жалб этишдан иборат.

Банк хорижий капитални жалб этиб, жаҳон иқтисодига интеграциялашган ҳолда банк бизнесини ташкил этиш ва бошқаришнинг янги усуллари ҳамда ноу-хаусини жалб этиш ва жорий этиш орқали ўз фаолиятини, банк менежменти сифатини яхшилашга қўмақлашди, банкнинг ташкилий тузилма-

VARI-MT

Қишлоқ хўжалиғи ва боғдорчилик кичик техникаси

VARI фирмасининг қишлоқ хўжалиғи ва боғдорчилик учун чиқарган кичик ҳажмдаги техникаси фермерларга ва боғбонларга битта техника воситаси билан ҳамда ўзаро алмашадиган қўшимча мосламалар билан ҳар хил ишларни бажариш имконини беради. Ҳеч қандай қийинчиликсиз бир соат вақт ичида 1 гектаргача ер майдонига ишлов бериш мумкин, бунинг учун фақат 0,8 л ёнилги ишлатилади. "HONDA" мотори ва Т-20 (Чехия) узатиш қутиси ўрнатилган техника воситасига бир йил кафолат берамиз.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Уста Ширин кўчаси, 136-уй. (Мўлжал: «Ўзметалсавдо» ОХЖ базаси). тел.: 48-30-64, факс: 48-08-928.

«ЎЗУЙЖОЙ ЖАМҒАРМА БАНК»

«КАФОЛАТ» ВА «ЯХШИ НИЯТ»

ДЕБ НОМЛАНГАН ЯНГИ ТУРДАГИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

«КАФОЛАТ» жамғармаси сақлаш муддати 3 йил

Бошингизни фоишлар, молиялаштириш ставкаси, жамғарма муддатлари билан оғритмасдан «КАФОЛАТ» жамғармасига маблағингизни қўйиб, сақлаш муддатидан сўнг 2 марта кўпайтириб олиб кетишингиз мумкин

Мисол:	10	50	100	500	2	3	4	5	10
жамғармангиз миқдори (сўм)	10	50	100	500	2	3	4	5	10
кўпайган маблағ	20	100	200	1	4	6	8	10	20

«ЯХШИ НИЯТ» жамғармаси сақлаш муддати 5 йил

Жамғармага 2000000 сўм қўйсангиз сақлаш муддати тугаганда банк сизга маблағингиз 7500000 сўм қилиб кўпайтириб беради. Кўпайган маблағингиз банкнинг томонидан қурилган 3-4 хонали квартирага етади. Банк биринчи навбатда, сизга макул бўлган жойдан квартира таклиф қилади.

Йиғилган муддатда маблағингиз квартира нархидан кам бўлса, банк етмаган миқдорига имтиёзли йилга 10% кредит беради. Йиғилган маблағингиз квартира нархидан ортиқча бўлган тақдирда, ортиқча маблағ қайтариб берилади.

Яхши ниятлар билан бугун ўз маблағингизни омонатга қўйиб йиғсангиз, эртанги кунда ўз фарзандларингизни уйли-жойли қиласиз.

ЎзуЙжой жамғармабанк-мблағингизни сақлаш ва даромад олишингизни кафолати

Маълумот учун телефонлар: 133-31-62, 132-13-18.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиғи раҳбарияти ва жамоаси назирликнинг маъсул ходими З.Жалолодинова палари бузруквори МУФТОХИДДИН отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалиқ суди жамоаси раис ўринбосари Шухрат Рўзиназарова отаси Нуралӣ РЎЗИНАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси Республика прокуратурасининг маъсул ходими Баҳоидир Абдувалиевга онаси Муҳаррам она АБДУВАЛИЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Буюқ аллома имом ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва меросига ҳақиқий дунёнинг турли томонларида, айниқса Шарқ мамлакатларида жуда катта. Бунга мисол тарихида саудийлик олим Аҳмад ибн Авазол ибн Дахил ал-Лахбий ал-Харбийнинг «Ал-Мотуридийя: диросатан ва тақвийман» («Ал-Мотуридийя: тадқиқот ва замонавийлик») китобини келтириш мумкин. Саудия Арабистонининг пойтахти Арияд шаҳрида монография шаклида чоп этилган ушбу йирик тадқиқот 574 саҳифадан иборат.

Тадқиқотнинг кириш қисмида ислом динидаги турли-туман оқим ва тоифалар — шийъалар, хаворижлар, қадарийлар, муржиъалар ва муътазиллар ҳақида баён қилиниб, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари атрафлича тахлил этилади. Тадқиқотчи ушбу оқимлар ўртасидаги ихтилофлар ақида усуллари (асослари) билан боғлиқ деб кўрсатади. Уларнинг содир бўлишида ички ва ташқи омиллар сабабчи деб шулар жумласидан диннинг ҳақиқий моҳиятини тўғри идрок этмаслик, бошқачароқ айтганда, диний масалалардаги жоҳиллик, Қуръони Карим нозил бўлган араб тили қонун-қоидалари тақозо қилган даражада чуқур билмаслик деб кўрсатади. Ташқи таъсирлар — яъни насронийлар, яҳудийлар ва мусулмонлар ўртасидаги диний-ақидавий қарашлар ҳам ихтилофнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган деб таъкидлайди.

МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Ўбайдулла УВАТОВ,
Тошкент ислом университети
Испомшунослик илмий-тадқиқот
марказининг бош илмий ходими.

Тадқиқотнинг биринчи бобида ҳақиқий исломий тафаккури илмий асосларга таъбиб тарғиб қилишига имом Абу Мансур ал-Мотуридий ва у асос солган ал-Мотуридийя мактабининг улкан улуғи бўлганлиги аниқ исботи далиллар билан баён қилинади. 944 йилда вафот этганда унинг шоғирдларидан бири, ўша пайтда Самарқандда бош қози лавозимида эгаллаб турган аш-Шайх Абу-л-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий имом ал-Мотуридий қабри устига «Бу (қабр) ўз ақл-заковати ва тафаккури билан қўллаб имми-лар юқсак чуққисини забт этган, у илмларнинг дунё бўйлаб тарқалишида бутун куч-қуввати ва салоҳиятини аямай сарфлаган, дину диёнат соҳасидаги асарлари унга мислсиз шону-шавкат келтирган, умри бўйи инсонлар-

ан далиллар билан шарҳлаш» номи асаридан келтирилган маълумотлар, айниқса, диққатга сазовордир. Ушбу манбага таъбиб тадқиқотчи таълиҳида, Имом ал-Мотуридий илм-фанининг турли соҳаларида яратган таълимотлари шу даражада баъқиё аҳамиятга эга бўлганки, ҳатто Аллома 944 йилда вафот этганда унинг шоғирдларидан бири, ўша пайтда Самарқандда бош қози лавозимида эгаллаб турган аш-Шайх Абу-л-Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий имом ал-Мотуридий қабри устига «Бу (қабр) ўз ақл-заковати ва тафаккури билан қўллаб имми-лар юқсак чуққисини забт этган, у илмларнинг дунё бўйлаб тарқалишида бутун куч-қуввати ва салоҳиятини аямай сарфлаган, дину диёнат соҳасидаги асарлари унга мислсиз шону-шавкат келтирган, умри бўйи инсонлар-

га илмнинг лаззати мевасини уллаган алломанинг қабридан» деган биткини ёзишлари амр қилган экан. «Табсирад ал-адиллардан келтирилган бошқа маълумотлардан яна шуни айтиш кераки, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг билими ва ақли-дроки ёшлик чоғларидан шу қадар чуқур ва кучли бўлганлигини унинг устозлари Мотуридий шитрок қилган илмий йиғинларда ҳақик билан дарс ўтар эканлар. «Хатто —

кин. Улардан Абу ал-Йусур ал-Паздавий, Абу ал-Муъийн ан-Насафий, Нажмидин Умар ан-Насафий, Нуриддин ас-Собуний, ал-Камол ибн ал-Химом, Мулла Али ал-Қорий каби таниқли олимлар ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида ақидавий масалалар бўйича имом ал-Мотуридийнинг қарашлари батафсил баён қилинган. Буларда унинг Оллоҳни билиш, таъвҳид ма-

нинг фаолиятида муътазиллик оқимиға қарши кескин кураш алоҳида ўрин эгаллаб, аллома уларнинг ҳатто қарашларига асосли раддиялар берган, ҳатто бу масалага бағишлаб ўзининг қатор рисола-ларини ҳам яратган. Бинобарин, иккала оқим қарашларида сезиларли фарқлар бўлса-да, айни вақтда улар таълимотларида бир қадар муштараклик ҳам бор. Энг аввало уларнинг дастурлари (маноҳиж) ягона усулга таянишини эътиборга олиб,

Истамбулдан хушхабар



Истамбулда давом этаётган жаҳон шахмат Олимпиада-сида юздан ортиқ мамлакатдан келган спортчилар ўзaro баҳс юритмоқдалар. Мусобақалар швейцарча усулда жами 14 тур давом этади.

Дастлабки олти тур шундай натижа берди (эркаклар): Ўзбекистон-Туркия 3,5:0,5; Ўзбекистон-Македония 2,5:1,5; Ўзбекистон-Хитой 1,5:2,5; Ўзбекистон-Исландия 2,5:1,5; Ўзбекистон-Шотландия 2:2 ва Ўзбекистон-Туркменистон 3:1.

Аёлларимиз эришган натижалар ҳам чакки эмас. Улар Пуэрто-Рико вакиллари 3:0 ҳисобида мағлуб этишди. Белоруссия, Арманистон ва Словакия қизлари билан бир хил ҳисобда (1,5:1,5) дуранг ўйнашди. Беш турдан сўнг вакилларимиз 16 имкониятдан 10 очко жамғарган ҳолда пешқадамлар сафида боришяпти.

Шахмат ҳангомалари

Полиция ниҳоясига етказди

Асримиз бошларида америкалик шахмат усталари Шенон ва Палмер ўртасида Штат чемпионлиги учун ғалати матч ўйнади. У беш партиядан иборат бўлиб, ҳар қайси ўйнинг 200 доллардан дов тикилди. Ўйинлар «жонли шахмат» воситида маҳаллий стадионда кўрсатиб турилди. Максус танлаб олинган 32 та қиз шох ҳазрати олийларнинг муозимлари — фарзин, рух, от, фил ва пиёдалар родини бажардилар.

Дастлабки тўрт учрашув 2:2 ҳисобида тугади. Бешинчи ўйинда кескинлик авжга чиқди. Бунга, аввало, жонли шохларнинг ўзи барош бера олмади. Палмернинг шох, аниқроғи, Палмер хоним мот ҳолатида қолганда Шенон хоним ўзинча ҳужумни қучайтирди.

— Қанақа тентак хотинсиз? — деб бақирди у рақибига. Шундан кейин Палмер хоним диогонал бўйлаб зарба остидаги хоналардан ҳам олға қараб юриб қолди ва бориб туриб, уни хафа қилган шох — Шенон хонимнинг чакка-сига қарсилатиб тарсаки туширди.

Бу ҳаддан ташқари «жонли» ўйинни полиция ниҳоясига етказди.

Жумбоқли Морфи


Тож кийгизилмаган шахмат қиролларидан бири Поль Морфининг ватани Янгй Орлеан(АҚШ)да 1859 йилги жаҳоншумул зафаридан сўнг унинг номи билан аталган бейсбол клуби ҳозир ҳам бор. Бироқ яқинда клуб ўйинчилари билан ўтказилган савол-жавоб натижасида уларнинг бирортаси ҳам Морфи ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслиги аниқланди.

Шляпага жой йўқ

1840 йили Париждаги машҳур «Режанс» шахмат клубини зиёрат қилган инглиз журналисти Жорж Уокер шундай деб ёзган эди: «Якшанба кунлари у ерда одамлар шунчалик тирбанд бўлардики, вақти-вақти билан мутасаддилар улардан жойини эгаллашаслик учун бош кийимларини эмасликларини илтимос қиларди».

Мамажон МУХИДДИНОВ.

Уч юришда мот! Юриш оқсидан



ДИҚҚАТ! ТАЛШОВГА ИПОТТИЗИЛМЭН!

2000 йил 7 декабр соат 10.00 да

Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI»

давлат шўъба корхонаси Тошкент шаҳрида жойлашган қуйидаги мактабгача болалар муассасаларини сотиш бўйича танлов савдолари ўтказилади:

- 164-сонли болалар боғчаси** (манзилгоҳи: Мировод тумани, Саракульская кўчасида жойлашган) **бошланғич нархи — 6 777 826 сум.**
- 166-сонли болалар боғчаси** (манзилгоҳи: С.Раҳимов тумани, О. Бобоҷонов кўчасида жойлашган) **бошланғич нархи — 8 358 356 сум.**

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

- Қайта ташкил этилган мактабгача болалар тарбия муассасаларининг фаолият йўналишини ўзгартириш сўраш.
- Мактабгача, кичик мактаб ёшидаги болалар таълим ва тарбияси ривожланишига йўналтирилган муассасаларни ташкил этиш.
- Мактабгача болалар тарбия муассасаларининг бино ва иншоотларини амалдаги меъёр ва андозаларга мувофиқ равишда қайта тиклаш ва таъмирлаш.
- Муассаса ҳудудини санитария ва ёнғинга қарши меъёрларга мувофиқ ҳолда сақлаш ва ободонаштириш.
- Ўзбекистон Республикасининг қонуний ва меъёрий ҳужжатлари асосида болалар билан олиб бориладиган таълим ва тарбиявий ишлар концепциясининг мавжудлиги.
- Тавсичилар низомида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳақидаги банднинг мавжудлиги.
- Болаларга хизмат курсатиш тарифи бўйича таклифлар.
- Объект нархи бўйича таклиф.

Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади ва тендер ўтказиш кунидан уч кун олдин туҳтатилди.

Қўшимча маълумотлар учун Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси қошидаги «EKSPERT VA MARKETING MARKAZI» давлат шўъба корхонасига, қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилиши мумкин:
Тошкент ш., Мировод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16-«А» уй.
Тел.: 139-10-74, 144-60-51, 144-53-50.

«Театр» журнали доимий ҳамроҳингиз!

Республикада турли хил газета ва журналлар чоп этилади. Аммо соҳа журналлари бармоқ билан санарди. «Театр» — театр санъати соҳасига бағишланган ягона нашрдир. Икки йиллик журнали ўзининг ажойиб мақолалари билан муҳлисларига эга бўлди. Муваққиллиқ шарофати туфайли биз ўз тарихимиз, миллатимиз, маънавиятимизни тиклашда, хусусан, миллатнинг асл қиёфасини, қадриятларини, урф-одатларини кўрсатишда миллий театрнинг, театр санъатининг роли ниҳоятда катта.

Ўзбек халқи азалдан театр санъатига қизиқди. Журнал саҳифаларида эса театр санъати тарихи билан боғлиқ, ўтмишда ўтган буюқ актёрлардан тортиб, бугунги кун санъаткорларига барча-барчаси ҳақида маълумотлар берилади. Журнал фақатгина шу соҳа вакиллари учун эмас, ёшдан, касбидан қатъи назар, барча театр ва санъат ихлосмандлари учундир. Унинг бу йилги сонини кузатган муҳлислар Аббос Бақиров, Алп Ҷамол, Олим Хўҗаев, Чарҳий домла, Ҳадима Носирова, Гулом Зафарий, Абдор Хидойтов, Маннон Уйғур, Шукр Борхонов, Маҳмуджон Ғофуров сингари буюқ санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолалардан баҳраманд бўлишарди. Янги йилдан бошлаб пойтахт театrlар актёрлари, вилотатимиздаги театр жамоаларида хизмат қилаётган иштирокли санъаткорлар, режиссёрлар билан қизиқарли суҳбатлар, ижодий портретлар, театр санъати муаммолари, мунозарало баҳслар мунтазам бериб борилади. «Кулги санъати» руқин остида қизиқларининг ичказида хангомалари, санъаткорларнинг ҳаётида руй берган воқеалардан баҳраманд бўласиз. «Театр» ин унутман! У Сиз билан! У Сизнинг ҳаётингизни янада гўзаллаштиради, саҳнанинг сирли оламига етаклайди!

ОБУНАГА ШИШЛИМ!

Обуналар республикаликнинг барча алоқа бўлимларида қабул қилинади. Яқин обуначилар учун индекс — 1043, бир йилга — 2000 сумми. Ташкилотлар учун эса — 1044, бир йилга — 4500 сумми ташкил этади.

— Ие, яна ичказимиз? Бизда ишламаган ташкиламиз...
— Мен зақусасиз ичман!

А. ҲАКИМОВ чизган расм.

Буйракдаги... 2,5 кило тош

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Жалқ сўзи» мухбири.

Жарроҳ уларни эрмак учун эмас, зарурий туфайли йиққан. Унинг бисотидаги ашёлар орасида махсус идишга солиб қўйилган 2,5 кило вазндаги тошлар алоҳида кўзга ташланади. Дўхтирнинг айтишича, бу «новб топила»ни у бир кишининг буйрақидан териб олган.

Буйрак ва сийдик йўли тош касаллиги. Олди олимаса кишини оғир оқибатларга дучор қиладигани бу хасталиқнинг хилма-хил кўринишларини даволаган Латифжон ака бунақасига биринчи бор дуч келиши. Шифохонига оғир аҳволда келтирилган 16 йашли Акмалжоннинг буйрагини ташхис апаратида кўздан кеңира туриб, хайратдан ёқсини ушлади. Турли катталардаги ўнлаб тошлар йигитчаниннг ўнг буйрақига қалпоқдай кийилиб қолганди.

— «Ҳақирилмаган меҳмон»ни кувиб чиқаришга тўғри келди. Фақатгина бироз чидасанг бас, — дадил ҳулосасини билдирди ҳақим.

Операция салкам икки соат давом этди. Латифжон ака беморнинг олдидангина ача катталашиб, фаолияти озулган буйрақини тошлардан тозалаб бўлган, ҳамширага буюрди.

— Тарозиде бир тортиб кўрмайсизми, Акмалжоннинг тошини қанча экан?
— Ух-ху, Гиннеснинг рекордлар китобида ёкса бўлади-ку. Ропла-роса 2,5 кило. Бунга эгасига эсдалиқ учун бериб юборамизми?



«ЖАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Жалқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Жалқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРХОДИЙ,
И. ХУДОЕВОВ,
И. ШОГУЛОВ,
О. ҚАШИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Иجتимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Хатлар — 136-29-89; 132-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва иجتимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 1015,
17797 нусxada босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.

Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЕВОВ.

Навбатчи — Д. ТУРГУНОВА

Мусахҳад — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қороздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00

1 2 3 4 5 6